



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 13-oktabr. Payshanba • 123 (31.399) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистоннинг Жаҳон пахта бозоридаги мавқеи тобора юксалмоқда

Тошкентда 12 октябрь куни Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бошланди

Мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган жаҳон миқёсидаги йирик иқтисодий форумлардан бири — Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари» VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси очилди. Дунёнинг турли минтақаларидан пахта ва тўқимачилик саноати вакиллари, трейдерлар бу ерда нафақат ушбу тармоқларни ривожлантириши йўналишлари, жаҳон бозорларидаги нархлар конъюнктурасини муҳокама этиш, Ўзбекистонда миллий пахта мажмуининг имкониятларини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган самарали ишлар билан танишиш, балки Ўзбек пахта толаси ва ундан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича бевосита шартномалар тузиш имкониятига эга бўладилар.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг очилишида ушбу тадбир мамлакатимиз тарихидаги шонли сана — мустақиллигимизнинг 20 йиллиги кенг нишонланаётган йилда ўтказиладиган рамзий маънога эга экани таъкидланди. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг илчил ривожланиши Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг «ўзбек модели» нечоғли самарали ва тўғрилигини яққол намоён этмоқда. 20 йил давомида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти харид қобилияти паритети бўйича 3,5 баравар, саноат маҳсулотлари ҳажми 3 баравар, экспорт ҳажми қарийб 30 баравар ошди. Ўзбекистон жаҳон хўжалик муносабатларида ўз иштирокини изчил кенгайтирмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини ва ташқи салбий таъсирларга бардошлилигини намоён этди. Ўз вақтида ишлаб чиқилган ва аниқ мақсадлар-

га йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши эса ишлаб чиқариши жадал модернизация қилиш, унинг рақобатбардорлигини ошириш имконини берди. Сунгги йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8-9 фоизни ташкил этмоқда ва бу тенденция жорий йилда ҳам давом этмоқда. Шуни эътиборлики, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, биринчи навбатда, ички ва ташқи бозорларда хариддорлик, шу жумладан, пахтачилик ҳамда мазкур соҳа билан боғлиқ қайта ишлаш тармоқларида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобидан оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



Депутат ва ҳаёт



«Фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири — тарғиботдир»

— дейди Бўка туманидаги «Ёқутхон-Сауд» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Саудислом Сайдуллаев

Депутат фаолияти билан танишиш ниятида у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида бўлдик. Шу куни хўжаликнинг дала шийонида халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи 21-Бўстон сайлов округи ҳудудида яшайдиган аҳоли вакиллари билан унинг учрашуви бўлаётган экан.

Тадбирда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, бу жараёнда депутатнинг иштироки, ЎзХДП депутатлик гуруҳининг ташаббуслари ва бошқа масалалар кўтарилди.

Маълум бир вақтни кутмай, имкон топилди дегунча аҳоли би-

лан тез-тез учрашув ўтказамиз, — дейди Саудислом Сайдуллаев. — Улар бугун қандай ўй-хаёл билан яшаётгани, қандай ташвишлари борлигини билмай туриб, иш режасини тuzолаймиз, электротар маънафати йўлида тақлиф билдира олмаймиз. Шунингдек, айрим ма-

салалар юзасидан уларнинг фикрларини ўрганиш, керак бўлса, маслаҳатлашиш зарур.

Фуқаролар олдига сўзга чиқар экан, депутат, аввало, мамлакатимизда кечаётган жараёнлар ҳақида сўз юритди. Тошкент вилоятида қилинаётган ишлар, минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури амалга оширилиши, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида тўхталди. Ўз фаолияти, партиянинг депутатлик гуруҳининг ташаббуслари ҳақида гапирди.

(Давоми 2-бетда.)

Муносабат

Кўнглимиз тоғдек кўтарилди

Президентимиз Ислам Каримовнинг Фарғона вилоятида бўлиб, меҳнатқашлар вакиллари билан ўтказган самимий учрашувлари касби коридан қатъи назар барчанинг руҳини кўтариб юборди. Халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини давом эттириш юзасидан Ўзбекистонимиз берган қimmatли маслаҳатлар вилоят аҳлини янги марраларга ундамоқда.

Зулфияхон ҲОШИМОВА,

ЎзХДП Кўқон шаҳар кенгашининг раиси:

— Шаҳримизнинг паст-баланд кўчалари, эски шаҳар қисмидаги кўча иморатлар латиф шаҳар ҳуснига доғ бўлиб турарди. Айни пайтда Президентимиз қадимий обидларини асраб-авайлаш ва таъмирлашга чинакамга эътибор бермоқда. Буни шу қисқа вақтда чиройи очилган ўрда мажмуи, истиқлол кўчаси, Жоме меъморий мажмуаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёшларга гамхўрлик борасида у кишининг бевосита кўрсатмалари билан кейинги уч йил орасида боулинг маркази, шахмат клуби, Бахт ва тантаналар уйи каби бешта комплекс қурилди. Ўзбекистонимиз бу галги сафари чоғида Ёшлар хиббонини кенгайтириш, кўркам дараклар, гул ва майсазор барпо этиш бўйича маслаҳатлар берди.

Бу юксак эътибордан руҳланган кўқонликлар шаҳарни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш борасида янги режалар устида ўйламоқда. Бу ишларда партияимиз фаоллари, аъзолари муносиб иштирок этишларини таъминлаш муҳим вазифамиздир.

Воҳиджон МЕЛИҚУЗИЕВ,

Учкуприк туманидаги «Файз» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП аъзоси:

— Мен партияимиз ташкил этилган вақтдан бери унга аъзоман. Ота-боболарим деҳқон ўтган. Лекин рўшнолик кўришмаган. Мустақиллик йилларида аввало давлат бизга ишониб ер берди. Имтиёзли асосларда қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш учун қонуний имкониятларга эга бўлдик. Ҳозир ер ҳайдаш, чигит экиш, гўза қатор ораларига ишлов беришга мосланган тракторларимиз бор. Дала шийпонимиз электр энергияси, ичимлик сув, газ билан таъминланган. Одамлар иш ҳақларини вақтида олишга эришди.

Ўзбекистонимиз билан учрашиб ҳаётимиз ҳақида, қандай қилсак янада кўпроқ даромад олиш, турмушни фаровон этиш тўғрисида суҳбатлашиш насиб қилади деб сира ўйламаган эдим.

Хўжалигимиздаги 77 гектар ернинг 31 гектарига пахта экканмиз, сентябрнинг дастлабки ҳафтасидаёқ шартномадаги режани бажардик. Биринчи теримнинг ўзидан 34 центнердан ҳосил кўтардик. Ҳозирга келиб ҳосилдорлик 40 центнердан ошди. Хўрамли Президентимизнинг биз қишлоқ аҳлига кўрсатаётган диққат-эътиборларидан бошимиз кўкка етмоқда. Бу гамхўрликка ҳалол меҳнат ва катта ютуқлар билан жавоб беришимиз керак бўлади.

Ақл-идрок ва мантиққа зид хатти-ҳаракатлар

Шу кунларда оммавий ахборот воситаларига Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши бўйича халқаро экспертиза ўтказиш ва ушбу қурилишнинг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш борасидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида кўплаб маълумотлар келмоқда. Бу экспертиза Жаҳон банкнинг буюртмасига асосан «Коин ва Белье», «ELC Electonconsult SpA», «IPA Energy+Water Consulting» компанияларидан иборат халқаро консорциум томонидан амалга оширилмоқда.

Тўғони дунёдаги энг баланд — 335 метр бўладиган Роғун гидростанцияси қурилиши қўшни давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятини катта ташвишга солаётгани туфайли ушбу қурилиш лойиҳасини холисона ва мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурати туғилди. Негаки, ўтган асрнинг 70-йилларида тайёрланган бу лойиҳа аллақачон эскирган, биз устига, ушбу қурилиш жойи сифатида Амударёнинг юқори қисмидаги 8-10 балли зилзилалар тез-тез рўй бериб турадиган тоғли зона танланган. Мазкур гигант комплекснинг бундай хавфли ҳудудда қурилиши бир қанча экологик, техноген ва иқтисодий

муаммо ва офатларни келтириб чиқариши мумкин. Ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун жалб этилган Тожикистон ҳукумати ва давлат тузилмалари вакиллари билан ишлаб жараёнда консорциум мухтаассисларини ҳайрон қолдирган таассурот пайдо бўлди. Тожикистон Республикаси раҳбарияти юқорида қайд этилган ташвишли далил-исботлар ва ишлаб чиқарилаётган техник-иқтисодий асоснинг якуний хулосаларига қарамай, қайсарлик билан ҳаддан зиёд баланд тўғонли ушбу лойиҳанинг дастлабки концепциясини амалга оширишга уринишлардан ҳамон воз кечмаётди.

Иншоот қурилишини молиялаштириш масалалари, шунингдек, катта миқдорда маблағ сарфлашни талаб қиладиган мазкур қурилишни амалга ошириш имконини бермайдиган мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳвол Тожикистон раҳбариятини мутлақо ташвишга солаётгани йўқ. Мамлакатда техник-иқтисодий асоси ҳали охиригача етказилмаган ушбу лойиҳа катта чираниш билан тинимсиз тарғиб қилинмоқда.

Консорциум билан Тожикистон томони ўртасида тўғоннинг пойдеворини тулпроқни зондлаш усулида текшириш бўйича жиддий келишмовчиликлар мавжуд. Дастлабки ўрганиш пайтида мавжуд ҳолатни янада сиңчовлик билан ўрганиш ва таҳлил қилишнинг талаб эътиборини таъкидлашди. Жумладан, нураган ва мўрт зоналарнинг беҳад кўплиги сабабли ушбу участкани тоғ жинслари, сув сатҳи ва бошқа омиллар нуктаи назаридан чуқурроқ ўрганиш мақсадида тўғон пойдеворининг қуйи ва устки қисмларини янада батафсил текшириш зарур.

Халқаро экспертларнинг қатъий

эътирозларига қарамай, экспертларнинг якуний хулосасини кутмасдан, шу йилнинг ўзида Роғун ГЭСи қурилишининг биринчи босқичини, яъни тўғоннинг 120 метрлик қисмини қуриш ва бу билан бутун халқаро ҳамжамиятни мураккаб аҳволда қолдирди истаги Тожикистон раҳбариятининг бошини айлантириб қўйган.

Халқаро консорциум вакиллари тўғон қуриладиган ернинг юза қисмида бир неча кудуқлар қазий ва кавлаш пайтида олинган тоғ жинсларини механик синовдан ўтказишни талаб қилмоқда. Бу эса қурилажак пойдевор мустаҳкамлигини аниқлашнинг зарур шарти ҳисобланади.

«Барки тоқик» ОАХК дастлаб мазкур ишларни консорциум мухтаассисларининг ўтказишига қарши чиқди, ammo кейинчалик бу ишларни эронлик пудратчиларга топширишни тақлиф этди. Бироқ консорциум шартнома шартларини бажаришни ва ўз экспертларининг мазкур тадқиқотларда иштирок этишини талаб қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Диққат янги рукн: Озиқ-овқат хавфсизлиги

Дастурхонимиздаги неъматлар ўзимизникими, чет элники?

Ёки истеъмолчининг кузатишлари

Озиқ-овқат маҳсулотларисиз яшаб бўлмайди. Тирик жон борки, кундалик истеъмолга эҳтиёж сезади. Лекин унинг хавфсизлиги борасида инсоният хавотирини ҳам ошиб бормоқда. Телевизорга қарасангиз дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу мамлакатда бугун товуқ гўшти, эртага полиз маҳсулотлари, бошқа кун эса сутдан заҳарланиш билан боғлиқ можароларга гувоҳ бўласиз. Мана шундай бир пайтда энг ишончли маҳсулот ўзимизда этиштирилгани, ўзимизда тайёрланганига ишонасиз, икром бўласиз.


Битта ҳақиқат бор. Биринчидан, четдан келтирилган ҳамма нарса сифатли бўлавермайди. Иккинчидан, таннархи қimmat бўлади. Шунинг учун ҳам танлаш тўғри келса, ҳеч иккиланмасдан ўзимизникини, Ўзбекистонникини олаверинг. Бу билан сиз озиқ-овқат хавфсизлигининг биринчи талабини бажарган бўласиз... Бугунги мақоламиз шу ҳақида.



→ 3

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Буна индекси — 220



O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Диққат янги рукн: Озиқ-овқат хавфсизлиги

Дастурхонимиздаги неъматлар ўзимизникими, чет элники?

Ёки истеъмолчининг кузатишлари

Бозордаги дўкончалардан бирида музлаткичада қўйилган товуқ оёқларини кўздан кечирган бўлиб, сотувчига мурожаат қилдим:
— Товуқ оёқдан бир кило олмоқчи эдим. Фақат олдин мувофиқлик сертификатини кўрсатсангиз.
— Бу нарса сизга тўғри келмайди, олмай кўяқолинг, — деди у. Одатда сотувчилар айланма йўллар билан келган сифатсиз маҳсулотни тан олишдан қочиб, шундай дейишади.
Кўшни магазинда янги сўйилган бутун ва бўлақларга ажратилган Янгийул товуқлари сотилаётган экан. Ранги аллақандай кулранг тусга кириб, ёллари сарвайиб кетган импорт товуқ оёқи билан ўзимизнинг товуқ гўшти нархи деярли бир хил, ammo сифатини асло таққослаб бўлмайди. Унда нима учун бу маҳсулот пештахталарда турибди? Демак, унинг ҳам хариждори бўлса керак-да?! Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: бугунги истеъмолчи озиқ-овқат маҳсулотларини танлаётганда асосан, нималарга эътибор беради? Танлаш имконияти эса унда бор — бозор ва дўконларимиз, гипермаркетларимиз ўзимизда ва хорижда етиштирилган, қайта ишланган қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари билан тўла. Таъбиғиздан ва чўнтағиниз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда истаганингни харид қилишингиз мумкин. Таъб ҳақида бахшлашмайди дейишади-ю, ammo сифат ва нарх тўғрисида истаганча мунозара юритишимиз мумкин. Айниқса, ўзимизнинг ишлаб чиқарувчилар манфаатларига қаратилган бўлса.

Кўни кеча Фарғона вилоятига ташриф буюрган Президентимиз юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мамлакатимизнинг ўзида қайта ишлашни янада кенгайтириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қараш лозимлигини таъкидлади. Зеро, бундай маҳсулотларни қайта ишлаш ва хорижага экспорт қилиш деҳқонларимизнинг даромадини бир неча баробар ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш, валюта тушумини ошириш имконини беради.

Маҳсулотлар бозордагидан қиммат эмас экан.
Бу албатта, рақобатнинг натижаси эканини таъкидлашга ҳожи бўлмаса керак. «Дунё» супермаркетининг ўзида харидорларга «Ўзбек сут», «Бўстонлик сут», «Вига-ота» каби ўнга яқин корхоналарнинг сут маҳсулотлари тақриф қилинапти.

ОДИЙ УЙ БЕКАСИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИ

Азалдан шундай — сотувчи иложи борича молини қимматроқ ўтказишга, олувчи эса унинг нархини арзонроқ туширишга ҳаракат қилади. Албатта, ишлаб чиқарувчи бирон хомашедан маҳсулот тайёрлар экан, унга қилинган сарф-харажат, меҳнат ҳақи, яъни таннархдан ташқари ўзининг устама нархини ҳам қўяди — у ҳам фойда кўриши керак. Ammo қайта ишланган маҳсулот хомашедан кўра арзонроқ сотилганини кўрганмисиз? Шундай бўлиши ҳам мумкин экан.
Қизим магистрлик диссертациясини ёзаётган вақтда меҳнат таътили олиб, бир мuddат Лондонда яшашимга тўғри келди. Табиғийки, бозор-уچار, ошхона юмушларини ҳам ўз зиммага олдим. Бир кун қизим ҳайрон бўлиб сўради.
— Салатлар учун пиширилиб, герметик қадоқланган лавлагини ишлатардими. Нима учун бозордан хомини олиб пиширяпсиз, ёки мазаси ёқмади?
— Йўқ, жуда оби-тобиде пишган, бундан ортик бўлмайди. Фақат мен арзонроқ бўлади деб ўйлагандим.
У кулиб, герметик қадоқдаги пишган тўртта лавлага худди шундай турта хом лавлагидан деярли икки баробар арзонлигини, бунинг сабабларини тушунтирди.
— Ишлаб чиқарувчи лавлагини фермердан жуда арзон улгурчи нархларда олади. Уй бекаси бир кило лавлагини қайнатиш учун сарфлаган энергия билан ишлаб чиқарувчи ўнлаб кило маҳсулотни пиширади ёки улар жуда тежамли технологиядан фойдаланишади. Газ ва электр қуввати бу ерда қай даражада қиммат эканини биласиз. Ва ниҳоят, рақувватлашнинг самарасини дарҳол сезасиз: мана, турли хажмдаги чиройли идишларга қадоқланган табиий асал, алоҳида ўринда помидор ва бодринг консервалари, яна бир пештахтада турли мурабболар. Алоҳида витринга жойланган музқаймоқ турлари санаб чиқиш учун анча вақт керак бўлади.
— Ҳозирги синчков, ўқимшли истеъмолчини алдаб бўлмайди, — дейди суҳбатдошим. — У сифатсиз маҳсулотни бир марта олиши мумкин. Иккинчи сафар ўша ишлаб чиқарувчининг номи битилган қадоқни кўрганда тескари бурилиб кетади.

ВАТАНПАРВАРМИСИЗ? ХУЛОСА ЎРНИДА

Мухтасар айтганда, янги маҳсулот ишлаб чиқараётган одам, бунинг устига ўзимизда йўқ бўлган озиқ-овқат турини яратиш учун четдан технологиялар келтириб, банкдан катта миқдорда кредит олиб бозорга кириб борган тадбиркор эндигина оёқ чиқариб юра бошлаган гўдакка ўхшайди. У энг аввало истеъмолчиларнинг, агар биз истеъмолчи сифатида дўкон ёки бозордан, ўз маҳсулотимизни сотиб олсанг, энг аввало, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш, унинг иши ривожига ҳисса қўшган бўламиз. Қолаверса, ҳар биримизда ватанпарварлик ҳисси, мамлакат манфаати тушунчаси мустаҳкамланади.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тахририят:
ушбу рукнга мавзу бўлдица масалалар бўйича тақлиф, мулоҳазаларингизни sh_yuldashева@yahoo.com электрон почтасига жўнатилишингиз мумкин.

Хориж Кейинги ўн йилда

этниқ гуруҳлар орасидаги фарқ

АҚШнинг аҳолини рўйхатга олиш бўйича бюроси эълон қилган ҳисоботда қайд этилишича, кейинги ўн йилда мамлакат аҳолисининг этниқ гуруҳлари орасидаги фарқ анча катталашган. Ўтган йили мамлакатда олиб борилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари айнан шундай хулоса чиқаришга асос яратди.

Статистика маълумотлар шундан далолат бермоқдаки, мамлакатнинг 50 та штатидан 15 тасида, жумладан, Массачусетс, Канзас, Огайо, Калифорния ва бошқа штатларда оқ танли америкаликлар сони анчага камайганлиги кузатишмоқда. 10 та штатда эса аксинча — 10 фоизга ортганлиги қайд этилган.
Умуман, ҳозир оқ танли америкаликлар мамлакат аҳолисининг 64 фоизини ташкил этмоқда. Ўн йил олдин бу кўрсаткич 69 фоизга тенг эди. Қора танли америкаликлар сони эса 12 фоизга ортган ва бугунги кунда улар умумий аҳолининг деярли 13 фоизига яқинлашиб қолди. Бу ўсиш асосан келиб чиқиси Лотин Америкаси ва Осиёдан бўлган халқлар ҳисобига ортмоқда.



Маълумки, Қўшма Штатларда ҳар 5 йилда аҳолини умумий рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилади. Ундан кўзланган асосий мақсад парламент куйи палатасида алоҳида штатлар вакиллари адолатли тақсимлашни таъминлашдир. Аҳолини рўйхатга олишда АҚШда яшаётган барча фуқаролар, жумладан, Америка фуқаролигини ҳали олмаган шахслар ҳам ҳисобга олинади. Улар ҳақидаги маълумотлар махфийлиги қатъий таъминланади.

Ёғли овқатлар учун

алоҳида солиқ солинади

Дания ҳукумати мамлакат аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилиш ва умрини узайтириш мақсадида ёғли озиқ-овқатларга алоҳида солиқ солиш тартибини жорий этди.



ри сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкоғолсиз ичимликлар тарихидаги шакар миқдори учун ҳам қўшимча солиққа тортиш амалиёти қўлланиб келинади. Қўшимча солиққа тортиш эса ўз навбатида ёғ ва гўшти ярим фабрикатлар нархи баланда бўлишини таъминлайди. Бу эса уларни қамроқ ишлатишга ундайди.

Реклама

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИИТ!

Управление государственного таможенного комитета по городу Ташкенту

объявляет повторный конкурсный торг

По объекту: Устройство забора из шлакоблоков, установка осветительных приборов и благоустройство территории Управления государственного таможенного комитета РУз по г. Ташкенту по проспекту Бунёдор, 35.

Стартовая стоимость заказчика: —
230 312 418 сумов с учетом НДС,
184 249 934 сума без учета НДС.

Срок завершения строительства —
до 31 декабря 2011 года.

Заказчик: Управление государственного таможенного комитета по городу Ташкенту.

Финансирование осуществляется за счет собственных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств; производственные базы, трудовые ресурсы и специалисты, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных предложений с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, предоставляются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — ООО «Экспертлоухахонсалтинг» по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.

Стоимость одного комплекта конкурсных документов — сто тысяч сумов.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22, тел. 8 (371) 241-37-50, (+99897) 715-81-80.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт по нижеуказанному адресу: г. Ташкент, ул. Навои, 22.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления в здании Управления государственного таможенного комитета по адресу: г. Ташкент, проспект Бунёдор, 35.

КИМНИНГ МАҲСУЛОТИ АФЗАЛ?

Кузатишларимизни кичик бир тажриба ўтказишдан бошладик. Олдиндан айтиб қўяйлик — бу тажриба инсон саломатлиги учун ҳеч қандай зиён етказмайди, уни ҳар бир киши уй шароитида синаб кўриши мумкин. Шундай қилиб, супермаркетда ёнма-ён қўйиб сотилаётган, бир хил навли, кўриниши ҳам ўхшаш тўрт хил (биттаси хорижийки) пишлоқдан сотиб олдим-да, ҳар қайсини бўлақларга бўлиб, алоҳида тақсимчаларга жойладим. Импорт маҳсулотларини афзал кўрадиган дўстларимга улардан татиб кўриб, хорижда ишлаб чиқарилган пишлоқни аниқлашни сўрадим.



Учун мўлжалланган бу сарёғларнинг мазаси ҳам аъло эканини таъкидлайди.

— Булар янги маҳсулот. Синов учун олгандик. Жуда яхши сотилапти. Ишлаб чиқарувчи яна буюртма берайми.
У сарёғнинг қадоғига эътибор беришимни сўрайди. Нам ўтказмайди деган ялтироқ қоғозда. Энг муҳими, яроқлилик санаси лазер ёрдамида битилган.

— Айрим ишлаб чиқарувчилар яроқлилик мuddатини ҳалигача сиёҳ билан уришади. Совутичда сақлангани туфайли сиёҳ чаллашиб кетади. Бу эса истеъмолчининг таъбини хира қилади, ўрам ичсида жуда сифатли маҳсулот бўлса ҳам ундан воз кечлади.

Кетчуплар саф торган растада бежирим шиша идишларда савлат тўкиб турган чет эл маҳсулотлари орасида қизил гласбий идишлардаги ўзимизнинг маҳсулот сифат нуктаи назардан эмас, балки қадоқлашни борадасида кўримсиздай туюлади. Мени ол деб чорлаб турган ёрликлар билан безатилган, қоғоғида ҳимоя ўрамига эга хориж кетчуплари ранг ранг — бирича ошқўқ солинган, бирича эса майдаланган саримсоқлиёз борлиги, бирининг ранги оқ қизил, яна бириники томат пастаси каби тўқ рангалиги шишанинг четидан икким кўриниб турибди.

— Пештахталарда ёнма-ён турган маҳсулотлар бирини бири соттиради, — дейди менежер. — Ammo харидорнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб беролса, худди колбаса маҳсулотлари каби турдош молларни четдан олиб келишга ҳожат йўқ.

ВИЖДОНЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ТЕЗ ТАНИЛАДИ

Ўтган йил «MUZIMPEX-FRUITS» масъулияти чекланган жамияти Тошкентда ўтказилган «WORLD-FOOD» халқаро кўргазмасида дегустация столи ташкил этганди. Корхона маҳсулотини биринчи бор татиб кўрган истеъмолчилар ҳайрон қолдилар. Уйда тайёрланган мураббога жуда ўхшайди, деб ҳоқо беришди. Аслини олганда бугунги кунда «MUZIMPEX-FRUITS»нинг ўз харидорлари бор. Турли сизимдаги чиройли шиша идишларга қадоқланган ўрик, олча, қовун, қулпнай, смородина, малина, олма мурабболари, шарбатлар, тузламалар бозоримизда ўз ўрнига эга бўлиб қолди.
Корхона директори Хусан Мирмухамедов билан уларнинг нархи ҳақида фикрлашамиз.
— Маҳсулотларимиз хорижда ишлаб чиқарилган турдошларидан анча арзон, — дейди у. —

ҚАДОҚЛАШГА ҲАМ КЎП НАРСА БОҒЛИК

Пойтахтимиздаги энг йилрик супермаркетлардан бирининг менежери саволимни эшитгач, мени савдо зали бўйлаб саяхатга тақлиф этди.
— Бу ерда импорт товуқ йўқ, — дейди у колбаса маҳсулотлари бўлими олдида хорижийкини излаб туриб қолганимни кўриб. — Харидорлар ўзимизда ишлаб чиқарилганини афзал кўришапти. Колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан саноклилари билан ҳамкорлик қиламиз, улар етказиб бераётган турли ассортиментдаги молларнинг ўзи етарли.
Менежер сут маҳсулотлари бўлимида ўзимизда ишлаб чиқарилган сарёғларни кўрсатади. Икки юз граммдан қадоқланган, ялтироқ ўрамдаги бутерброд

Харакат хавфсизлиги

Эҳтиёт бўлинг, пиёда!

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти пиёдалар билан боғлиқ ҳолда содир этилмоқда.



«Марғилон — Ёзёвон» автомобиль йўлида ҳайдовчи Қ.Улуғов йўлни кесиб ўтаётган пенсионер М.Зокиржоновни уриб юборган.

Мазкур фалокатларнинг барчаси мудҳиш ўлим билан тугагани кишини чуқур ўйлантиради. Содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг 50-55 фоизи пиёдаларни босиб кетиш, 28 фоизи тўқнашув, 6 фоизи ағдарилиш, қолган қисми бошқа турдаги ҳодисалар эканини инобатга олсак, пиёдаларни уриб юбориш жиддий муаммага айланганини англаш қийин эмас.

Тахлилларга кўра, йўллардаги ноҳус ҳодисаларнинг пайдаланган таъминотида профилактик ишлар етарли эмаслиги, ҳайдовчи ва пиёдаларнинг ҳаракат қоидаларига риоя қилмаслиги, йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида тушунчаси пастлиги туфайли юзага келмоқда.

Шу ўринда йўлларда болалар хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб бўлиб қолаётганини таъкидлаш лозим. Болалар билан боғлиқ фалокатлар умумий ҳодисаларнинг 22 фоизини ташкил этмоқда.

Масалан, 22 июль куни «Урганч — Мангит — Кубатог» йўлининг Амударё туманидан ўтган қисмида ҳайдовчи Н.Алдамбергенов «Ваз-2107» автомобилида Мангит шаҳридаги 36-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Д.Ражаповни уриб юборган.

Ачиқ бўлса-да, тан олиш керак, бугун халқ таълими тизими ва мактаб раҳбарларининг совиққонлиги, масъул идораларнинг айби билан ҳаракат хавфсизлиги синфлари, бурчақлари, автоматдончалар ва автошаҳарчалар етарли даражада ташкил этилмапти.

«Мадияр» автомашинаси билан вояга етмаган А.Зубановага қаттиқ шикаст етказган... Оқибатда у ҳам касалхонада вафот этган.

«Самарқанд — Урганч» автомобиль йўлида ҳам шундай ҳолат қайд этилган. «Дамас» автомашинаси билан вояга етмаган О.Холиқовни уриб кетган.

«Марғилон — Ёзёвон» автомобиль йўлида ҳайдовчи Қ.Улуғов йўлни кесиб ўтаётган пенсионер М.Зокиржоновни уриб юборган. Натijaда пиёда воқеа жойида ҳалок бўлган. Дангара туманида яшовчи М.Холиқов бошқарувидаги автомобиль билан вояга етмаган А.Зубановага қаттиқ шикаст етказган...


Спорт



Футбол бўйича 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси учинчи босқич саралаш баҳслари ўтказилди. «С» гуруҳида тўп сураётган мамлакатимиз миллий терма жамоаси учинчи турда сафарда КХДР футболчиларини мағлубиятга учратди.

КХДР — ЎЗБЕКИСТОН — 0:1

Бу ўйин осон кечмаслиги табиий эди. Чунки Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган охириги жаҳон чемпионати иштирокчиси КХДР вакиллари ўз майдонида очко йўқотиши уларга қиматга тушарди.



- «А» гуруҳи: Сингапур - Иордания - 0:3, Хитой - Ирок - 0:1. «В» гуруҳи: Ливан - Кувайт - 2:2, Жанубий Корея - БАА - 2:1. «Д» гуруҳи: Таиланд - Саудия Арабистони - 0:0, Австралия - Уммон - 3:0. «Е» гуруҳи: Индонезия - Катар - 2:3, Эрон - Баҳрайн - 6:0.

Бош мураббий Вадим Абрамов муҳим ўйин олдида футболчиларимизни фақатгина галаба қаноатлантиришига руҳлантира олди.

Биринчи давра учрашувларидан сўнг, еттидан очко жамғарган Япония ва Ўзбекистон футболчилари «С» гуруҳида пешқадамга айланиб олдилар. КХДР терма жамоаси уч очко тўплаган бўлса, тожикистонликлар ҳисобида ҳозирча бирорта ҳам очко йўқ.

Осиё минтақаси учинчи саралаш босқичининг қолган гуруҳлари охириги турда куйидаги натижалар қайд этилди:

Европа чемпионати иштирокчилари

Футбол бўйича 2012 йили Польша ва Украина мамлакатларида бўладиган Европа чемпионати финал босқичида қатнашувчи жамоалар номлари бирин-кетин маълум бўла бошлади.



Кўҳна қитъада мазкур нуфузли мусобақанинг гуруҳ саралаш учрашувлари ўз ниҳоясига етди. Чемпионат мезбонлари — Польша ва Украина терма жамоалари баҳсларда тўғридан-тўғри иштирок этишди.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Қизилқум туманидаги молия, газначилик ва пенсия жамғармаси бўлимлари маъмурий бизнесини капитал реконструкция қилиш ва пенсия жамғармаси бўлими учун қўшимча бино қурилиши.

Танлов савдоларида катнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қаролиномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомила ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ифтихор

Касбимдан фахрланаман

Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Президентимиз фармонида кўра менга «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони берилганини эшитиб, мактабимизда, овулимизда қолаверса бутун туманда катта байрам бошланиб кетди.

Биринчилардан бўлиб мактабимиз директори Мақсуддин Абдуллаев, касбдошим, немис тили ўқитувчиси Угулжон Қандарова келиб табриқлади. Туман халқ таълими методисти Хикматилла Саъдуллаев, шоғирдларим, уларнинг ота-оналари, дўстларим... Қўтловлар қўтловларга уланди.

Шундай кезларда ўқитувчилик дунёдаги касбларнинг энг улуғи эканлигини янада чуқурроқ англайсан киши. Қалбимда ўқитувчининг обрўси, шарафи мен ўйлагандан ҳам юксакда эканлигини ҳис қилиб, касбимдан фахрланиб кетдим. Мана шундай вақтда беихтиёр кўз ўнгиндан умр йўлинг ўтар экан. Меҳнат фаолиятингда ўз ёрдамини аяманган жонқуяр устозларинг, юзининг ёруғ қилган эзку шоғирдларингни ёдга оларкансан.

Эллиқалта туманидаги 3-умий ўрта таълим мактабиде таҳсил олиб, ҳозирги Низомий номидаги Тошкент педагогика университетида тугатиб келганимдан кейин ўқитувчилик фаолиятини шу даргоҳда математика фанидан дарс беришдан бошлаганман. Ўша вақтларда Ота-хон Бобоев, Тажиамат Матмуродов, Матқўб Қандаров каби тажрибали ўқитувчилар ўз вақтида керакли тавсиялар, маслаҳатлар бериб турган. Айнан уларнинг кўмаги билан методик услулари пухта ўзлаштирганман.

Бугунги кунгача нимагаки эришган бўлсам шу азиз устозлар туфайлидир. Камтарона меҳнатимни шундай юксак баҳолагани учун Ўзбекистондан беҳад миннатдорман. Бу унвон албатта, бурчимга бўлган масъулиятни янада оширади. Ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашга бор кучим, билим ва тажрибам билан ҳизмат қилишга ундайдим.

Раҳматилла ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

Бектемир туман ҳокимининг 1998 йил 4 майдаги 192-сонли қарори билан рўйхатга олинган «ELEKTRTEXAS-BOVQURILISH BUTLASH» хусусий корхонаси (СТИР 202560104 ОКПО-17004568) таъсисчисининг 11.10.2011 йилдаги №1 сонли қарорига асосан тугатилганлигини МАВЛУМ ҚИЛАДИ.

Давво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мuddат ичиде Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Катортал кўчаси, 164-б уй, 25-хонадонда қабул қилинади.

Тошкент тиббиёт академияси Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси жамоаси кафедрa доценти Шокир Бекназаровга акаси Эргаш Йўлдошевнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор қилади.

ОБ-ҲАВО 13-14.10. 2011

Table with columns for location, current temperature (БУГУН), and forecast temperature (ЭРТАГА). Locations include Toshkent, Samarqand, Nukus, Karshi, Urganch, Navoiy, Fargona, Bukhara, Andijon, Namangan, Termez, Jizzax, Gulistan, London, Paris, Moscow, Madrid, Hongkong, Rome, Ankara, Tokyo, Stockholm, Keitpaan, Kohira, Havana, Washington.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihdiddin MUHIDDINOV, OCHILBOY RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV.

BO'LIMLAR: Partiya hayoti - 233-10-13; Madaniyat va sport - 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot - 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot - 233-12-56; Reklama va e'lonlar - 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat - 233-72-83, 236-55-17. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Navbatchi: Erkin XOLBOBOEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2000-7633. 1 2 3 4 5